

Манзар Абдулхайров

# ТИМСОЛ ТАДРИЖИ
## (XV-XXI АСР АДАБИЙ МАНБАЛАРИ МИСОЛИДА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

МАНЗАР АБДУЛХАЙРОВ

# ТИМСОЛ ТАДРИЖИ (XV-XXI АСР АДАБИЙ МАНБАЛАРИ МИСОЛИДА)

МОНОГРАФИЯ

«Yashil yaproq nashr-matbaa uyi»
Тошкент – 2021

**УЎК:** 821.512.133.09-1
**КБК:** 83.3(5Ў)
**А-15**

**Абдулхайров, Мангзар**
«Тимсол тадрижи» (XV-XXI аср адабий манбалари мисолида): монография / Мангзар Абдулхайров; масъул муҳаррир: Ш.Сирожиддинов; – Тошкент: «Yashil yaproq nashr-matbaa uyi» нашриёти, 2021. – 244 б.

Ушбу монография – муаллифнинг аксари матбуотда эълон қилинган публицистик, илмий мақолалари жамланмасидир. Китобда Алишер Навоий ижодиёти, XX аср ўзбек адабиёти ҳамда замонавий ўзбек шеъриятидаги тимсол тадрижи – поэтик образлар, бадиий сўз маъноси кесишмасида таҳлил этилган. Мазкур монографияда ўртага ташланган фикр-мулоҳазалар ўзининг янгича талқинлари ва мисоллари билан аҳамиятлидир. Зеро, унда тимсол тадрижи XV-XXI аср адабий манбалари мисолида ўрганилган. Тадқиқот адабиёт тарихи, навоийшунослик ҳамда матншунослик соҳасига тааллуқли бўлиб, ундан филология йўналишидаги талабалар ҳамда шу соҳада илмий тадқиқот олиб бораётган изланувчилар фойдаланиши мумкин.

**УЎК: 821.512.133-1**
**КБК: 84(5Ў)6**

**Масъул муҳаррир:**
Шуҳрат Сирожиддинов,
филология фанлари доктори

**Тақризчилар:**
Рашид Зоҳидов,
филология фанлари доктори
Абдулла Ўразбоев,
филология фанлари доктори

*Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-техникавий кенгашининг 2021 йил 29 ноябрдаги, 8-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

ISBN 978-9943-7764-1-8

© Мангзар Абдулхайров, «Тимсол тадрижи» (XV-XXI аср адабий манбалари мисолида), 2021 йил.
© «Yashil yaproq nashr-matbaa uyi», 2021.

# КИРИШ

Ўзбек адабиётида тимсол тадрижининг қадим сарчашмалари узоқ даврларга бориб тақалади. Дастлабки босқичи эрамиздан аввалги VI–VII асрларга тўғри келади. Аммо ўзбек мумтоз адабиёти тарихида темурийлар даври адабий манбалари, тадрижан – ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан, тимсол тараққиётининг энг юқори босқичи маҳсули ҳисобланади. Айтиш жоизки, туркий тимсол тараққиёти илмининг олтин даври Алишер Навоий қўлига қалам олган даврга тўғри келади. Бинобарин, шоирнинг:

*Оразин ёпқач кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,*
*Ўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш, –*

мақтаъини тинглаган беназир туркийзабон шоир Лутфийнинг, лозим бўлса, ушбу байтга ўн икки минг мисрамни алмаштирган бўлур эдим, деган шоирона ҳайрати бунинг тасдиғидир. Айни маънода, бу даврда туркий тилда ўта мукаммал рамз-тимсолли бадиий матн яратилди, дейишга асос бор. Улуғ шоир асарлари матнининг тадқиқ этилишига ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Зеро, улуғ шоир – тимсолларга залварли ботиний мазмун-маъно юклайди. Чунки Навоий асарлари матни, аниқроғи, шеърий матнлари бўйича илк бадиият илми, яъни тимсол тадрижини унинг дўсти Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўзи бошлаб берган эди. У бир шеърида: